

Кўнгил олиш



15:00 / 21.06.2021 3529

Бир йигит онасининг қўшнидан озгина туз сўраётганини кўриб қолди. У онасидан сўради:

- Онажон! Нега қўшнидан туз сўраяпсиз? Ахир мен кеча туз олиб келган эдим-ку!

Онаси деди:

- Болам! Чунки улар биздан кўп нарса сўраб туришади. Улар камбағал. Мен улардан уларга оғирлик қилмайдиган озгина нарса сўраб туришни истадим. Аслида бизнинг тузга эҳтиёжимиз йўқ. Аммо улар бизга муҳтож бўлишгани каби ўзимизни ҳам уларга муҳтож қилиб кўрсатаман. Ана шунда улар бирор нарсага муҳтож бўлишса хижолат бўлмасдан биздан ҳожатларини сўрайверишади!

Ҳассон ибн Саъид Махзумий(463 ҳижрийда вафот этган) масжид бино қилмоқчи бўлди. Бир аёл масжидга ҳиссасини қўшмоқчи бўлиб унга кийим олиб келди. Уни сотиб пулини масжидга ишлатмоқчи эди. Кийимнинг нархи ярим динардан ошмас эди. Ҳассон ибн Саъид ундан кийимини минг динарга сотиб олди. Пулни хазиначига бериб уни масжидга сарф қилишни айтди. Кийимни эса кафанлик қиламан деб яшириб қўйди.

Кўнгил олиш махфий ибодатларнинг энг буюкларидандир. Бу билан банда Аллоҳга яқин бўлади. Қуръони Каримда айнан «кўнгил олиш» жумласи келмаган бўлсада шу маънодаги жумлалар тиқилиб ётибди. Басирати очиқлар учун уларни топиш қийин бўлмайди!

Абдулқодир Полвонов